



# Реал самарали алмашув курси шарҳи

---


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

# Реал самарали алмашув курси шарҳи

2022 йил май

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг май ойида ҳам пасаяувчи тенденция қайд этиб, ўтган ойга нисбатан қарийб **1,8 фоизга қадрсизланди** (2021 йил мос даврига нисбатан 1,9 фоизга қадрсизланган бўлса, база ой – 2019 йилнинг сентябрига<sup>1</sup> нисбатан 2,4 фоизга мустаҳкамланди).

## Номинал ва реал эффектив алмашув курслари индекси динамикаси



Май ойида реал самарали алмашув курсининг қадрсизланишига асосан **савдо-ҳамкор давлатлардаги юқори инфляция даражаси** ҳамда **валюта курсларидаги турли йўналишдаги ўзгаришлар** билан изоҳланади.


Май ойидаги реал самарали алмашув курси индекси динамикасида:

**оширувчи омиллар:** ички инфляция – **1 фоиз банд**, сўм алмашув курси – **1,7 фоиз бандни**;

**пасайтирувчи омил:** савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – **1 фоиз бандни**, савдо-ҳамкор давлатлар валюта курслари ўзгариши – **3,6 фоиз бандни** ташкил этди.

<sup>1</sup> Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга қўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда **базавий давр** сифатида белгиланди

## Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ўзгариш декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг валюталари курси май ойи давомида АҚШ долларига нисбатан турлича динамикани намоён этди:

- Россия **рубли** май ойида **19 фоизга** мустаҳкамланди.  
*27 май куни Россия Марказий банки асосий фоиз ставкасини 14 фоиздан 11 фоизгача пасайтирди.*
- Қозоғистон **тенгеси** ҳам апрель ойида **5 фоизга** мустаҳкамланди. Бу асосан хорижий валютага бўлган талабнинг стабиллашгани ҳамда Россия рублининг мустаҳкамланиши билан изоҳланади.
- Турк **лираси** эса мазкур ой давомида 6 фоизга **қадрсизланди**. Инфляциянинг юқори даражада сақланиб қолаётганлиги ҳамда нефт маҳсулотларнинг қимматлашиши Туркия пул бирлигига салбий босим ўтказмоқда.
- Май ойида Хитой юани **4 фоизга** қадрсизланди. Мазкур ойда ҳам пандемия билан боғлиқ чекловларнинг сақланиб қолиши сабабли Хитойда иқтисодий фаоллик паст даражада сақланиб қолмоқда.

2022 йил май ойида асосий савдо-ҳамкор давлатларнинг деярли барчасида **инфляция кўрсаткичи ўсишда давом этди:**

- **Россияда** ойлик инфляция ўтган ойга нисбатан секинлашиб, **0,17 фоиз** (йиллик ҳисобда **17 фоиз**) атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Мева ва сабзавотлар бозорида нархларнинг мавсумий пасайиши, шунингдек, қурилиш материаллари нархларига босимнинг сақланиб қолаётганлиги ойлик инфляция динамикасига асосий ҳисса қўшди.
- **Қозоғистонда** ойлик инфляция **1,4 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **14 фоизга** етди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик ҳисобда **19 фоиз**, ноозиқ-овқат маҳсулотлари эса **11,9 фоиз** ҳамда хизматлар нархлари **9,1 фоизга** ўсди.
- **Туркияда** ойлик инфляция қарийб **3 фоизга юқорилаб**, йиллик ҳисобда **73,5 фоизгача** ўсди. Нархлар ўсишига, асосан, ёқилғи ҳамда импорт маҳсулотлари катта ҳисса қўшган. Шунингдек, мамлакатда ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик ҳисобда **8,8 фоизга** ўсиб, йиллик **132,2 фоизга** етди.